**“44-модда. Рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлаш**

Рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар бошқа шахсга ўтказилаётган ёки гаровга қўйилаётган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирдагина тасдиқланиши мумкин. Бунда мол-мулкнинг бошқа шахсга ўтказувчига ёки гаровга қўювчига тегишлилиги ҳамда бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги текширилади. Тақиқ мавжуд бўлган ҳолларда кўрсатилган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим фақат кредитор билан олувчи шахс қарзни олувчининг ҳисобига ўтказишга рози бўлган тақдирда тасдиқланиши мумкин.

Уй-жойни (уй-жойнинг бир қисмини), квартира, дала ҳовли, боғ ҳовли, гаражни, шунингдек бошқа бино, иншоот ёки иморатни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар шу мол-мулк жойлашган ҳудудда тасдиқланади”.

**XVIII.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **“Адвокатура тўғрисида”**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №2, 48-модда; 2001 йил, №1—2, 23-модда):

1) **14-моддаси:**

**биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахснинг қонун ҳужжатлари талабларини бузганлиги аниқланганда”;

**тўртинчи қисмининг:**

**учинчи хатбошисидаги** “ёки лицензия шартномасини имзоламаган” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

“Лицензиянинг бекор қилиниши адвокатнинг ўз касбий фаолиятини бажаришдаги ҳаракатларини ноқонуний деб топишга сабаб бўлмайди”;

2) **15-моддасининг бешинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

3) **16-моддаси биринчи қисмининг:**

**тўртинчи хатбошисидаги** “лицензия шартномасида назарда тутилган” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**еттинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахсга нисбатан суд чиқарган айблов ҳукми қонуний кучга кир-



татбиқ этилмайди. Товарларни истеъмол товарлари жумласига киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади”.

**XXII.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **“Давлат солиқ хизмати тўғрисида”**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №9, 232-модда; 1998 йил, №5—6, 102-модда; 1999 йил, №9, 229-модда; 2000 йил, №7—8, 217-модда; 2001 йил, №5, 89-модда; №9—10, 182-модда; 2003 йил, №1, 8-модда) **6-моддасининг биринчи** қисми:

**12-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12) давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мерос ҳуқуқи бўйича ўтган хазиналарнинг ва мол-мулкнинг ҳисобини юритишлари, уларни баҳолашлари ва уларнинг ўтказилишини назорат этишлари”;

қуйидаги мазмундаги **$12^1$-банд** билан тўлдирилсин:

“$12^1$) давлат даромадига ўтказилган мол-мулкнинг реализация қилинишидан олинган пул маблағларининг давлат даромадига тўлиқ ва ўз вақтида тушиши устидан назорат олиб боришлари, шунингдек давлат органларига беғараз ўтказилган мол-мулк ҳисобини олиб боришлари”.

**XXIII.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган **“Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №9, 239-модда) **4-моддасининг биринчи қисмидаги** ва **6-моддасининг иккинчи қисмидаги** “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази” деган сўзлар “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**XXIV.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №2, 36-модда; 1999 йил, №9, 229-модда; 2001 йил, №1—2, 23-модда; 2002 йил, №1, 20-модда, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда):

1) **7-моддасининг 1-бандидаги** “олди-сотди ёки айирбошлаш объекти ҳисобланувчи бажарилган ишларнинг, кўрсатилган хизматларнинг натижалари” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **16-моддаси:**

**иккинчи қисмининг 13-банди** чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирил-



мийлаштирганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғимлар”;

16) **130-моддасининг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

17) **132-моддаси:**

**биринчи қисмининг 2-банди** чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида назарда тутилган жазо асосий жазо сифатида қўлланилади, ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган жазо эса ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланилиши мумкин”;

18) **133-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ушбу Кодекс 132-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида назарда тутилган жазо божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги аниқланган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай, лекин қонунбузарлик содир этилган кундан эътиборан уч йилдан кечиктирмай, давлат бюджетига бож тўловлари тўланмаганлиги билан боғлиқ ишлар бўйича эса беш йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин”;

19) **139-моддасининг биринчи қисми, 143, 147, 148, 149, 150, 152, 154, 158-моддалари, 164-моддасининг биринчи қисми, 165, 166, 168 ва 169-моддалари санкцияларидаги** “лицензиянинг амал қилишини тугатиб ёки тугатмай” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

20) **153-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Товарларни қайта ишлашда белгиланган талабларга, чекловлар ва шартларга, шу жумладан қайта ишлаш муддатлари, қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиши миқдори, товарларни қайта ишлаш бўйича операцияларни амалга ошириш тартибига доир белгиланган талабларга, чекловлар ва шартларга риоя этмаслик —

қайта ишлашга мўлжалланган товарлар қийматининг эллик фоизидан юз фоизигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”;

21) **167-моддасининг:**

**диспозициясидаги** “160, 163 ва 164-моддаларда” деган сўзлар “160 ва 163-моддаларда” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**санкциясидаги** “лицензиянинг амал қилишини тугатиб ёки тугатмай” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

22) **171-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“171-модда. Божхона брокери сифатидаги фаолият шартларини бузиш**



белгиланган тартибда тақсимлайди, радиочастоталар спектри тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади”.

**III.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №9, 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, №5, 124-модда) **4-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **8-банд** билан тўлдирилсин:

“8) Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси миллий операторларининг почта вагонлари ва почта қутиларида”.

**IV.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **“Давлат божи тўғрисида”**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №1, 22-модда; 1994 йил, №5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №4—5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, №5—6, 102-модда; №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №9, 229-модда; 2001 йил, № 1—2, 23-модда, №5, 89-модда, № 9—10, 182-модда; 2002 йил, №1, 20-модда) **4-моддаси 2-бандининг;**

**“ж” кичик бандидаги** “Ўздавстандарт” деган сўз “Ўзстандарт” агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**“о” кичик бандидаги** “Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги” деган сўзлар “Иқтисодиёт вазирлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**V.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **“Прокуратура тўғрисида”**ги Қонунининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тасдиқланган таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, №9—10, 168-модда):

1) **4-моддасининг саккизинчи хатбошисидаги** “солиқ соҳасидаги жиноятлар” деган сўзлар “солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 10-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади”;

3) **18-моддасининг:**

**номи** ва **биринчи қисмидаги** “солиққа оид жиноятларга” деган сўзлар “солиқ ва валютага оид жиноятларга” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** “Департамент бошлиғининг ўрин-



Қирқиш чизиғи

8) **289-моддасининг учинчи қисмидаги** “солиққа оид жиноятларга” деган сўзлар “солиқ ва валютага оид жиноятларга” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **290-моддасининг учинчи қисми** “солиқ” деган сўздан кейин “ва валютага” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **291-моддаси биринчи қисмининг “д” бандидаги** “солиққа оид жиноятларга” деган сўзлар “солиқ ва валютага оид жиноятларга” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**XII.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **“Наслчилик тўғрисида”**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №12, 255-модда; 1997 йил, №4—5, 126-модда) **16-моддасининг учинчи қисмидаги** “Ўздавстандарт”да” деган сўз “Ўзстандарт” агентлигида” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**XIII.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрь ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, №11—12; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5—6, 102-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №9, 229-модда; 2001 йил, №1—2, 23-модда, №9—10, 182-модда; 2002 йил, №1, 20-модда; 2003 йил, №1, 8-модда) **57-моддасининг:**

**учинчи қисмидаги** “кредиторлар билан биргаликда ўзининг банкротлигини эълон қилиш ҳамда ихтиёрий суратда ўзини тугатиш ҳақида қарор қабул қилищи мумкин” деган сўзлар “банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этади” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** “ёки юридик шахснинг ўз банкротлигини эълон қилиш” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**XIV.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №12, 262-модда) **9** ва **38-моддалари матнидаги** “Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги” деган сўзлар “Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**XV.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган **“Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №5—6, 58-модда) **25-моддасининг учинчи қисмидаги** “Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Истиқболни белгилаш ва статис-



алоҳида хусусиятга эга бўлган товарлар рўйхатига киритилган товар ёки қайта ишлаш маҳсулотини олиб кириш ва олиб чиқиш учун ваколатли органнинг махсус рухсатномаси бўлса;

божхона иши ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашга доир бошқа талаблар бажарилган бўлса.

Товарларни қайта ишлаш учун рухсатнома бериш ёки бундай рухсатнома беришни рад этиш ҳақидаги қарор уни қабул қилиш учун барча зарур ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида божхона органи томонидан қабул қилиниб, ариза берувчи бу ҳақда ёзма равишда хабардор этилади.

Товарларни қайта ишлаш учун рухсатнома бериш, агар ариза берувчи томонидан лозим даражада расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилган бўлса ёки тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёхуд бузиб кўрсатилган маълумотлар бўлса, шунингдек ушбу Кодекс талабларига риоя этилмаган бошқа ҳолларда рад этилиши мумкин.

Товарларни қайта ишлаш учун рухсатнома бериш рад этилган тақдирда, божхона органи бу ҳақда ариза берувчини рад этиш сабабларини ҳамда ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қилади.

Товарларни қайта ишлаш учун рухсатнома бериш рад этилишига асос бўлган сабабларни ариза берувчи бартараф этган бўлса, ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш ариза ва барча зарур ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн кундан ошмайдиган муддат ичида божхона органи томонидан амалга оширилади.

**32-модда. Божхона ҳудудида қайта ишлаш**

Божхона ҳудудида қайта ишлаш шундай режимки, бунда товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига импорт божлари, солиқлар тўланмаган ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмаган ҳолда божхона назорати остида қайта ишлаш учун олиб кирилиб, кейинчалик қайта ишлаш маҳсулотлари олиб чиқилади ёки улар ўзга режим остида жойлаштирилади.

Божхона ҳудудида қайта ишлаш режими остида ҳар қандай товарлар жойлаштирилиши мумкин, ана шундай режим остида жойлаштирилиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган товарлар бундан мустасно.

Чет эллик юридик ёки жисмоний шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган Ўзбекистон



божхона брокери сифатида фаолият юритиш шартларига риоя этилмаганда;

божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис билан меҳнат шартномаси тузган юридик шахс тугатилган ёки қайта ташкил этилганда.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилган тақдирда малака аттестатининг амал қилишини тўхтатиб турган божхона органи мазкур ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисида тасдиқ олинган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида аттестатнинг амал қилишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ўзининг малака аттестати амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

божхона органи томонидан белгиланган муддат ичида божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилмаганда;

божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ушбу Кодекснинг 145, 146, 164, 167 ва 168-моддаларида жавобгарлик белгиланган божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бир неча бор бузганда;

божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ушбу Кодекснинг 171-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182, 184 ва 246-моддаларида назарда тутилган қоидаларни бузганлик учун жавобгарликка тортилганда;

божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилиши муддати тугаганда.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан бундай аттестатнинг амал қилиши тугатилади.

Суднинг қарорига биноан ҳам божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати бекор қилиниши ёки унинг амал қилиши тугатилиши мумкин.

Малака аттестати бериш тўғрисидаги такрорий ариза малака аттестати бекор қилинган, унинг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин, бунинг учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда ёки суд белгилаган муддат ўтганидан кейин кўриб чиқилиши мумкин.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг ма-



ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори;

стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари;

стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича давлат инспекторлари амалга оширадилар”;

5) **9-моддаси учинчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори, стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари бундан ташқари”.

**VIII.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **“Метрология тўғрисида”**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, №2, 48-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, №5—6, 153-модда):

1) **1-моддасининг:**

**ўн биринчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**охирги икки хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **хатбошилар** билан алмаштирилсин:

“ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини метрологик аттестация қилиш” — ўлчовларни бажариш услубиётининг унга қўйилган метрология талабларига мослигини баҳолаш ҳамда тасдиқлаш мақсадида тадқиқот ўтказиш;

“ўлчовларнинг бажарилиш услубиёти” — операциялар ва қоидалар мажмуи бўлиб, уларнинг бажарилиши хатолари маълум бўлган ўлчов натижалари олишни таъминлайди”;

2) **4-моддаси:**

**биринчи қисмидаги** “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази (“Ўздавстандарт”)” деган сўзлар “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (“Ўзстандарт” агентлиги)” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми:**

**биринчи хатбошисидаги** “Ўздавстандарт” деган сўз “Ўзстандарт” агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи** ва **учинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён



Қирқиш чизиғи

келишикдаги “Ўзстандарт” агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**X.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №12, 269-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5—6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5—6, 153-модда, №7—8, 217-модда; 2001 йил, №1—2, 11, 23-моддалар, № 9—10, 165 ва 182-моддалар; 2002 йил, №9, 165-модда):

1) **38-моддасининг 8-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8) давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари — тегишинча божхона, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича”;

2) **339-моддасининг иккинчи қисмидаги** “солиққа оид жиноятларга” деган сўзлар “солиқ ва валютага оид жиноятларга” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**XI.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 193-модда, №12, 269-модда; 1996 йил, №5—6, 69-модда, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, № 4—5, 126-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5—6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5—6, 153-модда, № 7—8, 217-модда; 2001 йил, №1—2, 23-модда, №9—10, 165 ва 182-моддалар; 2002 йил, №1, 20-модда, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда):

1) **27-моддасининг биринчи қисмидаги** “солиққа оид жиноятлар” деган сўзлар “солиқ ва валютага оид жиноятлар” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **Кодекс** қуйидаги мазмундаги **$200^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**“$200^1$-модда. Оммавий тадбирлар ўтказиш қоидаларини бузиш**

Оммавий тадбирлар ўтказиш қоидаларини бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн



Олиб кирилаётган қайта ишлаш маҳсулотларини эркин муомалага чиқариш режимида божхона расмийлаштируви чоғида импорт божлари ва солиқлар қайта ишлаш қийматига ҳамда қайта ишлаш маҳсулотларига нисбатан қўлланиладиган божлар ва солиқлар ставкаларига қараб тўланади.

Қайта ишлаш учун олиб чиқилган товарлар қайтариб олиб кирилганда импорт божлари ва солиқлар тўланмайди.

Қайта ишлаш маҳсулотлари, агар қайта ишлашдан мақсад олиб чиқилган товарларни қонун ҳужжатлари ёки шартномага биноан беғараз таъмирлашдан иборат бўлганлигига божхона органи белгиланган тартибда ишонч ҳосил қилса, импорт божлари ва солиқлардан озод қилинади, товарларни эркин муомалага дастлабки чиқаришда нуқсони мавжудлиги ҳисобга олинган ҳоллар бундан мустасно.

Товарларни қайта ишлаш учун олиб чиққан ва товарларни қайтармаган ёки қайта ишлаш маҳсулотларини белгиланган муддатда олиб кирмаган шахс ушбу Кодекс 23-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда жавобгар бўлмайди.

**34-модда. Товарларни қайта ишлаш муддатлари**

Товарларни қайта ишлаш муддати божхона органи томонидан белгиланади ва бу муддат икки йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси товарларнинг айрим тоифаларига нисбатан қайта ишлашнинг бир мунча узайтирилган муддатларини белгилаши мумкин.

Товарларни қайта ишлаш муддатини белгилашда товарларни қайта ишлаш жараёни қанча давом этищи ва қайта ишлаш маҳсулотларини тасарруф этиш ҳисобга олинади.

Товарларни қайта ишлаш муддати товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш режими остида ёки божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режими остида жойлаштирилган кундан эътиборан, товарлар алоҳида товар туркумлари қилиб олиб кирилганда (олиб чиқилганда) эса товарларнинг биринчи туркуми тегишли режим остида жойлаштирилган кундан эътиборан ўта бошлайди.

**35-модда. Товарларни қайта ишлаш маҳсулотларида қиёслаш**

Товарларни қайта ишлаш маҳсулотларида божхона мақсадлари учун қиёслаш ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар ҳақидаги, шунингдек қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи технологиялар ҳақидаги муфассал маълу-



қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида тўланадиган бўлса, пеня ҳисоблаб чиқарилмайди”;

6) **54-моддасининг иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги** “ва (ёки) жисмоний”, “ёки жисмоний” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **61-моддасининг бешинчи қисми** “ёки божхона кузатувига олинган” деган сўзлардан кейин “ёхуд божхона тўловлари тўланишини таъминловчи гаров суммалари киритилган” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **64-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Божхона ташувчиси товарлар ташишни божхона кузатувини қўлламаган ва божхона тўловлари тўланишини таъминловчи гаров суммаларини киритмаган ҳолда божхона назорати остида амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсидир.

Божхона ташувчиси ушбу Кодекс асосида ташувчига нисбатан қўйиладиган талабларга риоя этиши, шунингдек:

божхона ташувчисини рўйхатга олган божхона органининг фаолият зонасидаги божхона расмийлаштируви жойига жуда бўлмаганда битта транспорт воситаси 24 соат ичида етиб келишини таъминлай оладиган зарур миқдордаги махсус жиҳозланган транспорт воситаларига эга бўлиши;

ушбу Кодекс 62-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ҳақида шартнома тузиши;

божхона назорати остида ташишларнинг ҳисобини юритиши ва божхона органларига тегишли ҳисобот тақдим этиши шарт.

Божхона ташувчисининг товарларни жўнатувчи билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида йўлга қўйилади.

Юридик шахсларнинг божхона ташувчиси сифатидаги фаолияти устидан назорат олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади”;

9) **65-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“65-модда. Божхона органининг лицензияси**

Божхона органи Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларига божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони, эркин омборни таъсис этиш учун беш йил муддатга лицензия беради. Лицензия беш йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига биноан берилиши мумкин.

Агар божхона омбори божхона органлари томонидан



**биринчи қисми:**

**учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ўлчов воситаларини ҳамда ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини метрологик аттестация қилиш”;

**олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“юридик ва жисмоний шахсларнинг ўлчов воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш, уларнинг ижараси билан шуғулланишга доир фаолияти лицензияланаётганда мазкур шахсларнинг белгиланган метрология нормалари ва қоидаларига риоя этишларини баҳолаш ҳамда тасдиқлаш”;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“ўлчовларнинг бажарилиш сифатини ва метрология фаолиятининг бошқа турларини баҳолаш”;

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат метрология назорати:

ўлчов воситаларини тайёрлаш, таъмирлаш, уларнинг ижараси билан шуғулланиш, уларни реализация қилиш, уларнинг ҳолати ва қўлланилиши (физик ўлчамлар бирликлари эталонларини, моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналарини, ўлчов тизимларини қўшган ҳолда);

ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларининг қўлланилиши;

белгиланган метрология нормалари ва қоидаларига риоя этилиши ҳамда аккредитация қилинган метрология хизматлари, марказлари, лабораториялари фаолияти устидан амалга оширилади”;

**учинчи қисмидаги** “Ўздавстандарт” деган сўз “Ўзстандарт” агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **$17^1$-моддасининг учинчи қисмидаги** “Ўздавстандарт” деган сўз “Ўзстандарт” агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **18-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“18-модда. Ўлчов воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва уларнинг ижараси билан шуғулланиш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятига лицензия бериш**

Ушбу қонуннинг 14-моддасида кўрсатилган доирада қўлланилиши мумкин бўлган ўлчов воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва уларнинг ижараси билан шуғулланиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган лицензия асосида юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади”;

8) **Қонун** қуйидаги мазмундаги **$18^1$-модда** билан тўлдирилсин:



**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

